

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ҳосил—91

БЎКАДАН

ХУШХАБАРЛАР

Бу йил бироз кечки бўлса, бироз далада мўл пахта ҳосили етиштирилди. Аксарият хўжаликлар мавсумга пухта тайёргарлик қилиб, терим техникасини ва бошқа керакли воситаларни тахт қилиб қўйган эдилар. Бунинг устига механик-ҳайдовчилар ва қўл теримда қатнашувчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган янги омиллар ишга солинди. Бу тадбир хўжаликларда дастлабки кунлардан сўраётган оширин миқдорни бериб берди.

Хўжаликлар бирин-кетин маррага яқинлашадилар. Ҳамза номли колхоздан ажратиб чиқиб, Навоий номи билан олган жамоа хўжалиги пахтакорлари ноҳияда биринчи бўлиб режаларини бажардилар. Бу ерда 835 гектар ерда пахта етиштирилган эди. Ҳозирги кунга қадар мўлжадаги 1730 тонна ўрнига 1850 тонна пахта топирилди ва режа ортиги билан адо этилди. Бу ҳосилнинг 1620 тоннасини механик-ҳайдовчилар териб бердилар.

Шунингдек, «Партия XIX съезди» жамоа хўжалиги меҳнатнашлари ҳам йилнинг иккинчи муваффақиятли якунамоқдалар. Улар уйған хирмон 2800 тоннадан ортиб кетди. Бу режадан анча кўпдир. Механик-ҳайдовчиларнинг умумий хирмонга қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқли бўлиб бормоқда.

Вақтдан, мавжуд техникадан умумий фойдаланиш, мавсум илгорларини меҳнатига яраша ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш ютуқлар гарови бўлмоқда. «Ленинбод» ва Т.Кирязев номли колхозлар ҳам маррага етиш арафасида турибдилар.

Бўкадан пахта усталари мавсумни муваффақиятли якунлаш учун ҳамма имкониятларини ишга солимоқдалар.

З. ИҶДОШЕВ,
«Пахтакорлар овози»
рўзномасининг муҳаррири.



99 ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА

ҒАЛАБА ноҳиясидаги Ленин номи жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам давлатга пахта топириш йиллик режаларини ортиги билан бажардилар. Мавсум давомида ишнинг баҳамжиятлик билан ташкил этилганлиги ва теримчилар учун зарур шарт-

шароитларнинг яратиб берилганлиги туфайли ҳосил қисқа муддатларда йиғиб-териб олинди. Эл хирмонига режадаги 3890 ўрнига 4096 тонна оқ олтин топирилди. Уртача ҳосилдорлик гектардан 29 центнерданга тўғри келди.

— Мавжуд 40 та терим машинасида унумли фойдаланганлигидан яхши самара берди, — дейди хўжалик раиси В. Ковалёв. — Ҳосилнинг 99 фоизи агрегатлар бункерларидан тўқилди. Далада ҳали иш қилган давом этмоқда. Терим суръати ҳам юқори бўляпти.

(Ўз мухбиримиздан).



ҒАЛАБА ноҳиясидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» шўро хўжалигининг Тўланбой Асқаров бошлиқ бригада деҳқонлари 78 гектар майдонда пахта етиштирилди. Гектардан 30 центнердан ҳосил олган деҳқонлар давлатга 230 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топириб, режаларини ортиги билан бажардилар.

СУРАТЛАРДА: (Ўн-да) баракали хирмонни юклаш; чапдан бригада аъзолари Эсонбой Сулаймонов, Зокир Ҳақимов, Жамол Нағматов, Тўланбой Асқаров (бригадир) ва Ғани Беркматовлар.

Суратнам В. ТҶАЕВ.

БИР БОШДА ИККИ БОШ ҲОСИЛИ

ТОШКЕНТ НОҲИЯСИДАГИ «ЛЕНИН ЙҮЛИ» ЖАМОА ХҲЖАЛИГИ
СОҲИБКОРЛАРИ БУ ЙИЛГИ ҚИЙИН ШАРОИТДА ҲАМ УЗУМ ЕТИШТИРИШ
ВА ДАВЛАТГА ТОПИШИШ РЕЖАСИНИ БАЖАРДИЛАР

тирмайди, чунки, улар ҳар йили 3—3,5 минг тонна хирмон кўтаришга одатланган эдилар. Бироқ, рўй берган вазият, шароити ҳисобга олинмаган бўлса, бу юқори кўрсаткич ҳисобланади: ҳар гектар узумзордан 18 тоннадан! Кўпгина узумчилик хўжаликларда эса бор-йў-

ғи 10—12 тоннадан ҳосил олинди.

— Бунга, — дейди жамоа хўжалиги бошқарув раиси С. Муҳаммаджонов, — Соҳибкорларимизнинг асги-кишки ишларини ниҳоятда қийинлаштириш туфайли эришдик. Айниқса, Иброҳим Нурқожиев, Мажида Бойматова сингари ўртоқ-

лар бошлиқ жамоаларнинг соҳибкорлари яхши натижага эришдилар. Улар биринчилардан бўлиб режаларини бажарган эдилар. Биринчилардан бўлиб кузги-кишки ишларини ниҳоятда қийинлаштириш туфайли эришдик. Айниқса, Иброҳим Нурқожиев, Мажида Бойматова сингари ўртоқ-

ларини қўриб, тан беради. Бу ерда узум узини ва давлатга топириш ҳозир ҳам давом этаётган. Иккинчи томондан эса тоқларини кесиб ва кўмиш қизғин бораётган. Фахрийлар, тажрибакорларнинг айтишига қараганда қиш қаттиқ келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу тадбирни маромида ва сифатли қилиб ўтказиш муҳим ва келгуси йил мўл ҳосили гарови ҳисобланади. Богбонлар ана шунини ҳисобга олиб, ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, барча имкониятларини ишга солимоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

МУНОСИБ МУКОФОТЛАНДИЛАР



ЖИГАРИСТОНДА юз берган оғат халқимизнинг нақадар матонаткор ва маддор эканлигини, ҳар бир инсон ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ҳимояланганлигини яна бир нарсани исботлаб берди. Биринчи бўлиб ёрдам қўллари билан қўрувчилар олдидан қўйилган мислсиз вазифанинг уйдасидан чиқдилар. Талофат кўрган, бор-йўқдан ажралган оғалар кўнра қўймай янги уйларида кўнра ўтидилар. Янги йигирстининг қўллари билан қўрувчилар қўнра қўйиб қад қўтарган йилнинг уларнинг ҳар бири ўз шаклига, ўз бўёқларига эга. Янги қўнрадан чиққан бир-бирини тақдорламаган. Томорчаларнинг кенгайтирилганли-

ги, муҳандислик коммунал-цияларни лойиҳалаш пай-тидаёқ ечимини топанли-ги қишлоқ аҳлига янада қўлайлиқлар туғдилади. Ҳар бир уйдаги турар жой майдони 60—70 квадрат метр оралиқдаги юзга эга. Шунингдек умумий хизмат кўрсатиш бинолари ҳам кўчалар бўйлаб қад кўтарди.

Бу ишларни амалга оши-риш учун келган турли ку-рувчилари бор тажриба-лари, илгор фикрларини иш-га солиб қўйилмаган нати-жани қўлга киритдилар, яъни уй-жойларни шу йил-нинг ўзида, совуқ кунлар бошланмасдан оқ фойдала-нишга тахт қилиб қўйдилар. Мазкур қурилишда жонбоз-

лик кўрсатган бир қатор ку-рувчилар Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти И. Каримов томонидан Фахрий Ёрлик-лар билан мукофотланган эдилар. Кўни кеча Ангрен-даги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашма-сининг тантаналар залида «Средазуголь» ишлаб чи-қариш бирлашмасига қар-рашли шахта қурилиш бош-қармасининг сувоқчи-бўёқ-чиси Г. Екшикеева, «Таш-медводострой»га қарашли 4-МКК (механизациялаш-ган кўма колоннасининг) экскаватор машинисти В. Титаров, Ангрен «Водока-нал» ишлаб чиқариш бош-қармаси директори В. Хо-

рисов, «Ташоблагрострой» бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Э. Ҳа-қимов, Олмалиқ қурилиш материаллари комбинати директори В. Муромцев, «Ташоблагрустрас» концер-нига қарашли 72-автомоб-ил-стройнинг ижарадаги 5-МКК бошлиғи А. Ташму-родов, шу трестнинг 4-МКК газ электр пайвандчиси А. Хламов, хўжаликлараро 35-МКК сувоқчи-бўёқчиси Ф. Ҳафизова, Суз хўжалиги вазириликнинг саноат уй-жой ва сув қурилиш трес-

тига қарашли 2-МКК бри-гада бошлиғи В. Григорян, хўжаликлараро 17-МКК гишт терувчиси Р. Абдулов, хўжаликлараро 12-МКК про-раби М. Жамолджонов, «Ташоблагрустрас»га қарашли хўжаликлараро 15-МКК бошлиғи А. Оқилов, хўжаликлараро 22-МКК комплекс бригадаси бош-лиғи А. Умировларга маз-кур фахрий Ёрликларни Ўзбекистон Президенти ҳу-зуридаги Вазиirlар Маҳ-камаси Раисининг ўринбо-сарлари П. Нуъмонов, И. Ҳақимов, вилоят ижроия қўмитасининг раиси Э. Ру-зиевлар тантанали равиш-да топишди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

Суратларда: идор ку-рувчиларнинг бир гуруҳи ва уларга мукофотларни топи-риш лаҳзалари. Суратнам Д. АҲМЕДОВ.

• ОБУНА—92

Муштариёлар кўпайпти

ОДАМЛАР учун ахборот манбаларидан бири рўзнома ҳисобланади. Умуман, матбуот нафси кириб борма-ган хонадон йўқ. Ҳўш, улар-га обуна бўлиш қандай бор-лиги? Шу масалада пойтахт-нинг Сирғали ноҳиясидаги обуна қилиш маъназида бор-лиги, дархастлар билан ула-ган, тикилброк қарамасан-гиз бўлиб манзил маскан топи-ди. Бироқ одам кўп.

— Бу ойдан обуначилар миқдори ортди, — дейди су-баҳда маъна башқарувчиси Дониш Собировна Юсупова,

— бир кунда 17—18 минг сўмлик буюртма оламиз. Тўғри, олдинги йилларда-да оқ. Бу аввало нарх-наво билан боғлиқ. Лекин маъна-вий озиқ ҳисобламиз мат-буот нафси кириб борма-ган хонадон йўқ. Ҳўш, улар-га обуна бўлиш қандай бор-лиги? Шу масалада пойтахт-нинг Сирғали ноҳиясидаги обуна қилиш маъназида бор-лиги, дархастлар билан ула-ган, тикилброк қарамасан-гиз бўлиб манзил маскан топи-ди. Бироқ одам кўп.

этишса, ижобий самара бери-ши аниқ.

Энди обуначилар сони би-лан сезини таъинлай. «Ойла ва жамият» йили ҳафта-нома бўлса-да, 20 тага яқин мух-лиф топилади. «Халқ сў-зи»га 80 киши обуна бўлган бўлса, «Ёш Ленинчи»нинг 120 дан зиёд ўқувчиси бор экан. «Тошкент ҳақиқати» билан «Тошкент оқшони»-нинг муштариёлари 250 на-фарданга тўғри келипти. Ал-батта, бу 12 октябрда бўл-ган маълумот. Аммо ҳали вақт ҳам, имкон ҳам бор...

Т. ЕРҚУЛОВ.

Қайта қуриш муаммолари

ВИЛОЯТ касба уюшмалари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий эътибори меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ана шу мақсадда турли тадбирлар тузилмоқда, амалга оширилмоқда. Яқинда бу ерда «Касба уюшмалари ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳўжалик юртишнинг янги усуллари» мавзусида давра суҳбатини уюштирилди.

МУРАККАБЛАШГАН ВАЗИЯТ

Д. Н. ЖАХОНГИРОВА,
вилоят касба уюшмалари
Кенгашининг раиси:

Бугунги давра суҳбатимизга касба уюшмалари тармоқ кўмиталарининг раислари ва ўринбосарлари, касба уюшмалари кўмиталари раислари, давлат концернлари, корхоналари ва кооперативлари, янги корхоналар, таъдирлар, фаоллар, мутахассислар таъкидлашди. Шуни таъкидлашди айтиш кераки бозор иқтисодиёти мурасабатлари кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Матлумки, вилотимизда 29 минг кишини ўз сафига жалблаган 900 дан ортиқ кооператив бор. Кичик корхоналар ҳақидаги раҳамлар ҳам

деярли шундай. Транспорт ташкилотларида ижара усули ниҳоятда кенг қўлланилмоқда. Тармоқдаги корхоналарнинг деярли 90 фоизи шу усулда ишламоқда. Шубҳасиз ҳўжалик юртишнинг бугунги усуллари касба уюшмаларининг қўллаб-қувватлашга муҳтож. Иш ҳақи, таътил масалалари, меҳнаткашлар соғлигини муҳофиза қилиш, ижтимоий ва бошқа турли иштиёқлар, уларни адолатли ҳал этиш олдимизда турган муҳим вазифалардир. Муносабатлар тобора мураккаблашяпти. Бугун давра суҳбати қатнашчилари бу ҳақда фикр-мулоҳазаларини билдирадilar деб ўйлайман.

МУСТАҚИЛЛИК, ОШКОРАЛИК, ДЕМОКРАТИЯ

ЮСУПОВ С. М. — вилот юк ташини автотранспорт концернининг бош директори:

Вилотда барча кў ташини ишларни бизнинг концерн жамоаси бажаради. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тузилмани ўзгартиришга тақомиллаштиришга қарор қилимиз. Шу мақсадда аввал мамлакатдаги йирик бирлашмалар, сўнг Германия, Англия, Япония, Италия, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги концернлар фаолиятини ўргандик. Янги тузилмага ўтишда қаршиликларга ҳам учиради, мураккаб вазиятлар кўп бўлади. Тушунарли бўлиши учун концерн таркиби ҳақида қисқача тўхталаман. Аввалги вилот кў ташини трестда корхоналарнинг мустақиллиги таъминланган, ошқоралик ва демократия қарор топтирилган ташкилот бўлиб бўлди. Концернининг Устави тузилди. Бошқарув аппарати ниҳоятда қисқартирилди. Дастлабки кунлардаги касба уюшмаси билан бирга меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоялашига эътибор қўйилди.

Янги тузилма меҳнат уюмдорлигини кескин ошириш ва аъзолар сонини кескин камайтиришни тақозо этарди. Масалан, 1990 — 1991 йилларнинг ўзидан 150 — 200 кишини қисқартириш лозим эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шундай оғир таълабларни олдимизга қўя бошлади. Ҳўжалик юртишнинг янги усули қанчалик кўп қўбонини талаб қилмасин, биз — маъмурият ва касба уюшмаси унга қарши ақидоронини ишлатдик. Изландик, юқори идораларга чиқдик, илғор тажрибаларни ўргандик. Натижада 1990 йили 25 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олдик. Шундан сўнг 7 миллион сўмга БЕЛАЗ, КРАЗ, КАМАЗ машиналарини келиштирилган нархда сотиб олиб, 300 кишига иш топдик. Иккинчи масала қилиб ҳар бир корхонада маиший шароитларни яхшилаш, ёрдамчи ҳўжаликларни ташкил этиш, ҳам таъминланган оилаларга қў

мак бериш белгиланди. Ҳозир ҳамма корхоналарда ошхона, душхона, чойхона, ҳордик чиқариш бўлимлари бор. 120 сўм нафақа олаётган фахрийларга қўшимчалар белгиланди. Фахрийликка кузатилаётган ҳар бир кишига 4—5 минг сўм берилди.

САВОЛ: Ёрдамчи ҳўжаликларини қандай бир килграмм гўшт неча сўмга тушмоқда?

ЖАВОБ: Ём-ҳашак ҳам қимматлашиб кетди, илгари 7—8 сўм бўлса, ҳозир гўштининг бир килграмми 12—13 сўмга тушмоқда. Кўп корхоналар жамоа аъзоларига 4 сўмдан сўтапти.

САВОЛ: Сизларда ижтимоий ҳимоялаш галатироқ бўлмайтирми: бир кўлингиз билан ишнинг пулини тортиб олсангиз, иккинчи кўлингиз билан 3—4 сўмдан гўшт сотиб яна пулини қайтарсангиз. Балки ишнинг пулини олмаслик адолатдан бўларми?

ЖАВОБ: Сиз кўпчилиكنи қизиқтирадиган савол бердингиз. Мени Ёўстонлик автотранспорт умуий жамоа йиғилишига тақлиф этишди. Ёмаоа ёрдамчи ҳўжаликни умуман тутатиш ҳақида баҳслашди. Мен ёрдамчи ҳўжалик зарурлигини тушунтирдим. Агар ўша даромаддан ёрдамчи ҳўжаликка ўтказилган пул бўлиб берилса, кўпчиликка урвоқ ҳам бўлмаслигини исботлаб бердим. Унинг устига кундан-кунга гўшт масаласи қийинлашиб кетаяпти. Қишлоқда гўшт тақсимоти йўқ. Ваъзан зарур бўлганда килграммини 20 сўмдан ортиқча ҳам топиб бўлмайди. Байрам арафасида олдиқда йўқ гўшт корхонада 4 сўмдан бериб турилса ёмонми? Тўйларда бозордан неча минг сўмга қўй, мол олгандан кўра ишчиға ёрдамчи ҳўжаликдан арзон нархда ёзириб берилса ёмон бўладими?

Йиғилиш охирида ҳўжма чиқаришни ўзларига ташладик. Ёрдамчи ҳўжаликни ривожлантиришга қарор қилишди.

НАҚД ПУЛ КЕРАК

Н. НОСИРОВ — вилот ёрдамчи ва фермерлик ҳўжаликларини ассоциацияси раиси:

— Бундай олиб қараганда бизнинг ташкилот меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя

лашга асосланган. Жўмҳурият Президентининг Фармониға мувофиқ 1 миллиард сўм ажратилиб, ундан 90 миллион сўми Тошкент вилоти ижтиёрига берилди. Албатта бу деҳқонларнинг



ўзини ўнглаб олиши, мўл-кўпчилиكنи яратиш йўлида жўда муҳим аҳамиятга эга. 40 дан ортиқ кичик корхоналар тузди. Бартер ишларини олиб бораёلمиз. Лекин ишнинг бориши шу кун талабидан анча орқада. Сабоби банка ҳамма ишни пул ўтказиш йўли билан бажарасизлар, деб оёқ тираб турибди. Бу эса оёқ-қўлимизга қўймоқда. Қўлдан келганча давлат ва жамоа ҳўжаликларидан фермерларга сизиб-бузоқ олиб бердик. Лекин вилотимиздаги ҳўжаликларнинг ўзида қорамол етишмайди. Биз фермерларга нақд пул берсак бозордан насли яхшисини сотиб олишарди. Аҳолидан истеъмолдан ортиқча сабзавот-меваи сотиб олиб, сотувга чиқари-


шимиз ва бу билан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг бозор баҳсини туширишга ҳисса қўшимиз керак. Ҳар йили хонадонлар, шахсий ҳўжаликларда неча миллион тонналаб ёз неъматларининг увол бўлиб қолиб кетаяпти. Кўпчиликка аён. Маҳаллалар, қишлоқларда қабул шажобчаларини очимиз керак. Ҳаммасига нақд пул зарур. Тадбиркор, ишбилармон, қўли гул одамлар жўда кўп. Уларга темир, тахта, иш асбоблари, машина-механизмлар, ем-ҳашак, хўллас минг хил нарсаларни олиб боришимиз керак. Лекин ҳаммасига нақд пул даркор. Ҳўкумат нақд пул олишга қўрсатма берса ривожланишга катта йўл очиларди. Бўлмаса тузилган тадбирлар қозғода қўлиб кетаверади.

ТОПШИРИШ БИЛАН СОТИШ...

Т. МАДЕРОВ — Ёрта Чирчиқ ноҳиясидаги Ким Пен Хаё номли жамоа ҳўжалигининг раиси:

— Ишончим комилки, киши хусусий мулк эгаси бўлмаса, шунга етарли асос яратилмаса, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Биз иқтисодий муносабатлар ислоҳи шароитида учинчи йил ишламоқдамиз. Мулкчиликка, шунингдек ишлаб чиқаришга муносабатини тубдан ўзгартириб юбордик.

Тўғри, жўмҳуриятимизда бир мунча ишлар қилинаёп-



НАФАҚА ВА ИЖТИМОЙ СУҒУРТА

Н. Д. ШАБРАТОВА — Кооперативлар ва тадбиркорлар касба уюшмалари ҳўжаликларини Олмалиқ шаҳар кўмитасининг раиси:

— Москвада мустақил касба уюшмалари конфедерациясининг съездида иштирок этдим. Ташкилотнинг номи ўзгартирилиб, «Тадбиркорлар, кооператорлар ва мулкчиликнинг бошқа шакллари мустақил касба уюшмаси халқаро конфедерацияси» деб номланди. Шу муносабат билан янги масалалар қўтарилди. Улардан бири ижтимоий суғурта бўйича ҳимояланишидир. Ҳа, бу биз учун янгилик эди. Мустақил касба уюшмаси конфедерацияси, шу жўмладан биз 1993 йилдан суғуртанинг халқаро шаклига ўтиш ҳақидаги киришдик. Ёйни ҳар бир ишловчининг ўз суғурта чегаралари бўлади ва қатъий ҳисоб-китоб қилиб борилади. Кишининг ўз ижтимоий суғуртасига ўтказган пули аниқ бўлиб туради ва шунга яраша нафақа олади. Агар пенсияга чиққан одам қазо қилса бу пуллар унинг меросхўрига қолади.

Мен ноишлаб чиқариш соҳалари касба уюшмалари кўмиталари раисларининг эътиборини яна бир мавзуга қаратмоқчиман. Нархлар тинмай юқориға сакрамоқда. Бу ҳам касба уюшмалари зиммасига вазифалар юклайди. Айрим идоралар борки, у ер-

да ҳамма шарт-шароитлар мўжам, агар эътибор билан қаралса, бу ажойиб шарт-шароитлар бошқаларнинг ҳисобига эканлиги маълум бўлади. Мен бу ерда касба уюшмаларининг ижтимоий адолатни тиклаш йўлида кўп изланиш, мардона ҳаракати, қўраши лозимлигини қўраёйман. Давр касба уюшмаларидан замонавий иш қўриш, жаҳон касба уюшмалари тарихи, тажрибасини ўрганишни тақозо этмоқда. Аҳолининг адолатсизликка учираган қисмини касба уюшмаси ҳимоя қилмаса, ким ҳимоя қилади!

Ҳозир приватизация ишлари олиб боришмоқда. Жамоалар корхоналарини сотиб олмақда. Лекин бир гуруҳ одамлар киши билмас катта бойликларни ўз фойдаларига нишлаб қилмоқдалар. Аниқроқ айтганда, бир қисм кишилар бойиб кетмоқдалар, халқда эски ҳаммом, эски тос. Бу масалалар аҳолининг ижтимоий ҳимояланишига алоқадор эмасми? Жўда алоқадор! Бундан тегишли хўлоса чиқариб, касба уюшмалари бонг уриб фаолият кўрсатишлари лозим. Бугун биз қандай фаолият кўрсатсак, эртага халқ шу фаолиятга яраша ишлайди. Касба уюшмаси бугун етарли чоралар кўрмаса, адолатни қарор топтирмас эртага янада қийинроқ бўлади.

НОМУТАНОСИБЛИКЛАР ТУФАЙЛИ

Е. П. ТУРКЕВИЧ — Ёзбекистон қурилиш вазирлиги қарашли 6-трест касба уюшмаси кўмитасининг раиси:

— Мен аввалги нотинчнинг фикрларини тўла қўллаб-қувватлайман. Касба уюшмалари фаолларига қараб айтмоқчиманки, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга эътибор билан қаттиқ киришмас эканлиги, оқибати яхши бўлмайди. Ҳозир иқтисодий сиебат шундай бўлиб қоляптики, қайси ташкилот қайси ташкилотнинг еки ким кимни бошлаб «алдаса», адолатсизлик қилса, ўша яхши аяшайпти. Илгари бир қўб-метр тахта 120 — 160 сўмга тушса, ҳозир биржадан 1200 ва ундан ҳам

ортиқ пулга сотиб оляпмиз. У ҳолда қурувчиларнинг маошини қандай кўтарамиз? Бизнинг трестини 1989 йилда биринчилар қаторида ҳўжаликни юртишнинг ижара усулига ўтди. Унга ташиклотимиз зарар келтирарди, ҳаражатларни оқламади. Янги усулнинг шарофати билан 1989 йили йил марта фойда олдик. Лекин номутаносибликлар туфайли яна ишчимиз оғирлашиб кетди. Агар ҳозир таннархларда, баҳолар қўйишда адолат ўрнатмасак қурилишда орқага чекинишга мажбур бўламиз. Жамиятимизнинг ўша даражага эришиши учун кўп йиллар керак бўлади ва оғир кечади.

бўлади. Биз уларни ҳам ижтимоий ҳимоя қилишга уринмоқдамиз. 50 тикучи-касана-чи ҳар ҳафтада товар олади, тикади ва кооперативга топширади, биз эса уларни давлат нархидан арзонроқ қилиб сотамиз. Энди улар иш билан таъминланишган, декрет отпускасига чиқишади, тикиш-бичишни билмайди-ганларга қорамол берамиз. Ойига бир сизгирдан 250—300 сўм фойда қўришади.

Ҳар бир жамоа аъзоси ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак. Тақчиллик, бозор иқтисодиётига ўтишнинг оғир даврида ишсизлик бўлмаслиги лозим. Шу билан бир қаторда инсоннинг бор имконияти даражасида ишлаши ва ҳақ олишига шаронт яратиб беришимиз зарур.

Давра суҳбати қатнашчилари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ҳўжалик юртишнинг янги усуллари, ижтимоий ҳимоялаш ва бунда касба уюшмаларининг вазифаларига кенг тўхталиб ўтдилар. Қатор тақлиф ва мулоҳазалар уюмлаштирилди ва тегишли юқори ташкилотлар, идораларга юборилди. Вилот касба уюшмалари уларнинг ижроси устидан назорат қилади ва ҳаётта таъбиқ этилишини таъминлаш йўлида курашади.


Ноябрь ойида меҳнаткашларнинг ҳақ-

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусида вилот касба уюшмалари кенгашининг пленумини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур давра суҳбати ҳам унга тайёргарлик юзасидан бир тадбирдир. Пленумда давра суҳбатда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар, тавсияларнинг бажарилиши умуллаштирилади.

Давра суҳбатини вилот касба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудари Б. ПУЛАТОВ ёзиб олди.



● СУРАТЛАРДА: давра суҳбати қатнашчилари.



Сураткаш Д. АҲМАД.

